

ISSN 1226-4490

*International
Journal of
Central
Asian Studies*

Volume 12 2008

**Editor in Chief
Choi Han-Woo**

**The International Association of Central Asian Studies
Korea University of International Studies**

Олтой Тилларида Бош Кийим Номлари

Шоира Усманова

Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон

Бош кийимларининг олтой халқлари тарихида ўзига хос ўрни бўлган. Бош кийимлари кўчманчи аҳоли ўртасида қуёшдан, совуқдан, қордан, ёмғирдан ва шамолдан ҳимоялаш воситаси сифатида қўлланилган. Улар жангларда ўзига хос қалқон вазифасини ўтаган. Диний маросимларнинг муқаддас унсури ҳисобланган. Бош кийимларига қараб кишиларнинг жамиятдаги маъқеи, касби, ёши, шунингдек, қизларнинг турмушга чиққан ёки чиқмаганлиги аниқланган. Хуллас, бош кийими кишининг туғилишидан то ўлимига қадар ҳамроҳлик қиладиган кийимдир.

Мазкур мақолада олтой тиллари, хусусан, туркий, мўғул, тунгус-манжур, корейс ва япон тилларидаги бош кийимларни ифодаловчи лексемалар семантик ҳамда грамматик томондан қиёсий тадқиқ этилиб, уларнинг этимологияси, тил таракқиёти натижасида ўзгаришга учраган турли шакл ва маънолари, шунингдек, олтой давридаги бобо тил шакллари хусусида сўз юритилади.

Бош кийим номларини тубандаги лексик-семантик гуруҳларга ажратиб таҳлил этиш ўзини оқлайди:

1. Бошга кийиладиган кийим номлари
2. Бошга ўраладиган кийим номлари
3. Бош кийими устидан ўраладиган мато номлари

1. Бошга кийиладиган кийим номлари

BAŞLIK – устки кийим ёқасига бириктириб тикиладиган қайтарма қалпоқ. Турк тилида *başlık* ‘капюшон’ (Sâmi 1985: 97), ‘бошни ҳимоялаш учун кийиладиган қалпоқ’ (Türkçe Sözlük I, 155), озарб. *başlig* ‘бош кийими’ (Азерб. рус. словарь 36), туркм. *başlik* ‘капюшон’ (Рус. туркм. словарь 49), гаг. *başlik* ‘капюшон’ (Гаг. рус.

молд. словарь 76), тат. *başlık* ‘капюшон’ (Тат. рус. словарь), нўғ. *başlık* ‘капюшон’ (Ног. рус. словарь 52), бошқ. *başlık* ‘бош кийими’, ‘болаларнинг тўқилган қалпоқчаси’ (Башк. рус. словарь 87) маъноларида истеъмол қилинади.

Туркий тиллардаги *başlık* оти < *baş* ‘бош’ ўзагига кийим-кечак номи ясовчи *-lik* аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Ҳатто *baş* ‘бош’ сўзининг ўзи ҳам айрим шеваларда ‘бош кийим’ тушунчасини ифодалаб келади. Жумладан, турк тилининг шеваларида *baş* ‘феснинг устига тақиладиган безакли, шокилалӣ рўмол’,¹ ўзбек тилининг Сурхондарё группа шеваларида *bāš* ‘ярим дўппи шаклидаги кийгичнинг устидан ўраладиган салла’² вазифасида қўлланилади.

Зикр этилган шакллар билан бир қаторда турк тилининг шеваларида *başayī* ‘оқ батистдан тайёрланган рўмол’ (Asırayamlı 1976: 19), ўзбек тилининг Сурхондарё группа шеваларида *başorav*³ ва Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида учрайдиган *başorav* ‘аёлларнинг 5 метрлик читдан саллага ўхшатиб ўралган бош кийими (эск.)’ (Ишаев 1977: 81) сингари лексемаларнинг ҳам *baş* ўзагидан ривожланганини таъкидлаш лозим.

Туркий тиллардаги *başlık* ва ш.к. шакллар корейс тилидаги *məripo* ‘аёллар қадимда ёпинган ёпинчик’ (Phyojungugodesajon I, 2098) лексемаси билан муштарак бўла олади: *məripo* < *məri* ‘бош’ + *-po* қўшимчаси.

Олтойшуносликка оид тадқиқотларда *baş* сўзининг прото-шакли **balč* ‘бош’ деб белгиланган. Туркий тиллардаги **balč* ўзаги прото-мўғул тилидаги **mal-đa-*, **melde-*, **malaji-* ‘кал’; прото-тунгус-манжур тилидаги **meli-* ‘бўйин умурткаси’, ‘энса’, ‘бошнинг тепа қисми’, ‘балиқ скелети’, ‘скелет’; прото-корейс тилидаги **məri* ‘бош’ билан бирлаштирилган ва уларнинг бобо тил шакли **mēlđu(-a)* ‘бош’ кўринишида реконструкция қилинган (EDAL <http://starling.rinet.ru>).

¹ <http://www.forumtayfa.com/genel-kultur/80660-yoresel-giysiler.html> 14.04.08

² <http://www.kitab.uz/cms/?q=node/223> 01.04.08

³ <http://www.kitab.uz/cms/?q=node/223> 01.04.08

KALPAK – кигиздан тепа томони учли қилиб тикилган устки бош кийими. Чигатой туркийсида *qalpaq*, тур. *kalpak*, гаг. *qalpaq*, туркм. *Galpaq*, сар. уйғ. *qalmaq*, тат. *qalpaq*, қирғ. *qalpaq*, қоз. *qalpaq*, нўғ. *qalpaq*, болқ. *qalfaq*, кум. *qalpaq*, кқал. *qalpaq*, ўзб. *qalpaq*, уйғ. *qalpaq*, бошқ. *qalpaq*, хак. *halbah*, *halpah*, ёқ. *halpāq* (Левитская 1997: 234-235) кўринишларида мавжуд.

Зикр қилинган *kalpak* сўзининг келиб чиқиши хусусида турли фикр-мулоҳазалар мавжуд. Жумладан, Т.Дадахонова (1963: 80) *қалтоқ* сўзининг этимологияси хақида фикр юритиб, бу сўз *қопламоқ* феълидан келиб чиққан: *қалтоқ* < *қопламоқ*, *қоплоқ*, *қалтоқ* тарзида морфологик ва фонетик ўзгаришларга учраган, деб қайд қилган. М.Асомиддинованинг (1981: 31) ёзишича, “Қадимда ҳали бадийи тўқима буюмлар пайдо бўлмаган даврларда кишилар бошларини тери ёки барглар билан қоплаб юришган. Бу буюм *қоплоқ* деб юритилган. Кейинчалик, одамлар ўтроқ ҳаётга кўчгач, тўқимадан бичиб тикилган, гулдор, ҳашамли бош кийим турлари пайдо бўлиб, олдинги *қоплоқ* номи метатеза йўли билан *қоплоқ* > *қалтоқ* шаклига келган. *Қоплоқ*нинг ўзаги *қоп* - калла қопи, каллани қоплаб турувчи буюмдир”. М.Хабишев (1971: 148) *qalpaq* сўзини *qal-* ‘қолмоқ’ ва *-paq* аффиксидан таркиб топганлигини зикр қилган. Л.Левитская (1997: 235) ушбу талқинни фонетик томондан заифлигини (яъни тур. *qa:l* ‘қолмоқ’даги унлининг чўзиқлиги) ва асосланувчи сўзнинг ноаниқлиги учун танқид қилган. Х.Эрен (1999: 203) *kalpak* оти < *kalip* ‘қопқоқ’, ‘ёпқич’ + *-(a)k* кичрайтирув кўшимчасидан ҳосил бўлганини айтган ва турк тилининг шеваларида ‘қопқоқ’, ‘ёпқич’ маъносини ифодаловчи *kalip* сўзининг мавжудлиги билан фикрини асослашга ҳаракат қилган. Ш.Раҳматуллаев (2000: 518) *қалтоқ* сўзининг таркибини қадимги туркий тилда ‘кўтарил-’ маъносини англатган *қалы-* феълидан *-ба* кўшимчаси билан ясалган отга кичрайтириш маъносини ифодаловчи *-қ* кўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, деб изоҳлаган.

Сўзи бораётган *kalpak* лексемасининг этимони аниқланар экан, унинг *kabalak/ kalabak* сингари бирламчи шакллари н назардан соқит қилмаслик лозим. Ёзма ёдгорликлар тилида *kabalak/ kalabak* XV асрдан бошлаб учрай бошлаган. Манбаларда қайд қилинишича, Чанаккале жангида (1915 йил) шаҳид бўлган турк аскарлари

мозорининг қабр тошлари аскарлар жангда кийган “*kabalak*” шапкаларига ўхшатиб ишланган.⁴

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, туркий тиллардаги *kalpak* сўзининг тараққиёт силсиласини тубандагича белгилаш мумкин: *kalpak* < *kabalak* < *kapalak* < **kap(a)*- ‘қопламоқ’, ‘ёпмоқ’ ўзагидан ривожланган дейиш мумкин. Зотан, бош кийим номларининг аксарияти ‘қопламоқ’ семасини ташиган феъллардан юзага келган (қиёсланг: *börk* < *börü-/bürü-* ‘қопламоқ’, ‘ёпмоқ’; *bürünçük* < *bürü-* ‘қопламоқ’, ‘ёпмоқ’).

М. Расанен (1969: 227) *qalpaq* ва ш.к. шаклларни Г. Рамстедт (1935: 164) томонидан тиклаган мўғул тилидаги *qalban* ‘катта, тўртбурчак аёллар қалпоғи’ билан қиёслаган. Кейинроқ ушбу талқин EDALда (<http://starling.rinet.ru>) давом эттирилиб, *qalpaq* лексемаси ёзма мўғул ёдгорликлари тилидаги *qalban*, қалм. *qalwŋ* ‘аёллар қалпоғи’ (Ramstedt 1935: 164); корейс тилидаги *kok:al* ‘тепаси учли, боғичли қалпоқ’, *kal-mo* ‘ёмғир пайтида бош кийимининг устига кийдириладиган шамсия сифат шапка’, эски корейс тилидаги *kòs-kár* ‘тепаси учли, боғичли қалпоқ’ (Liu 73, KED 45, 134) билан генетик бир деб изоҳланган ва уларнинг прото-шакли **kàla*(~**k*-, -e-) ‘бош кийимининг бир тури’ кўринишида қайта тикланган.

Бироқ мазкур реконструкцияни қатор сабабларга кўра тўғри деб бўлмайди. Биринчидан, юқорида кўрсатилганидек, *kalpak* сўзининг бирламчи шакли *kabalak* < *kapalak* бўлиб, у прото-турк тилидаги **kap* ‘қоп’ ўзагидан ривожланган. Кейинчалик метатеза натижасида *kapalak* > *kabalak* > *kalabak* > *kalpak* шакллари майдонга келган. Иккинчидан, мўғул тилидаги *qalban* ‘катта, тўртбурчак аёллар қалпоғи’ < *qalbaji-* ‘ясси ва кенг бўлмоқ’ ўзагидан урчиган. Учинчидан, корейс тилидаги *kal-mo* ‘ёмғир пайтида бош кийимининг устига кийдириладиган шамсия сифат шапка’нинг эски корейс тилидаги шакли *kat-mo* бўлган ва у < *kat* ‘шляпа’ (Phyujungugodesajon I, 118) ва хитойча *-mo* 帽 ‘шапка’ (Phyujungugodesajon I, 2155) маъносини ифодаловчи қўшимчадан

⁴ <http://www.kenthaber.com/ildetay.aspx?id=567> 14.04.08

таркиб топган. Шунингдек, *kok:al* ‘тепаси учли, боғичли қалпоқ’ни ҳам бу гуруҳга киритиб бўлмайди.

Аслида, туркий тиллардаги *kalpak* < *kapalak* < **kap(a)-* ‘қопламоқ’, ‘ёпмоқ’ шаклини олтой тилларидаги куйидаги сўз бирликлари билан генетик жиҳатдан алоқадор қилиш мақсадга мувофиқ бўлади: ёзма мўғул ёдгорликлари тилида *qabta-ya(n)* (Lessing 1960: 899), халха тилида *xavtga*, қалмиқ тилида *xaptaxə*, *xaptrə*, ордос тилида *GabtarGa*, мўғул *sdarGa*, дагур тилида *xartag* ‘қоп’ (Ramstedt 1935: 167, 180); қадимги япон тилида *kabut(w)o*, Токио диал. *kábuto*, Киото диал. *kàbútò*, Кагошима диал. *kabutó* ‘дубулға’ (Martin 1987: 431). Қайд қилинган бирликларнинг олтой давридаги шаклини **k[ā]p`á* ‘қопламоқ’; ‘қоп’ (EDAL <http://starling.rinet.ru>) кўринишида тақдим қилиш мумкин.

KASNAK – гардиш, бош кийим гардиши, тож. Турк тилида *kasnak* ‘гардиш’, ‘керки чамбарак’, ‘чамбаракда ишланган нақш’, ‘устунлардаги цилиндр шаклидаги тошлар’, ‘курашчиларнинг шалваридаги боғ’ (Sâmi 1985: 660-661), тур. шев. ‘аёлларнинг рўмол остидан такадиган тожи’,⁵ гаг. *kasnak* ‘гардиш’, ‘керки чамбарак’ (Гаг. рус. молд. словарь 254), озарб. *gasnag* ‘гардиш’ (Karşılaştırmalı Türk Lehçeleri Sözlüğü I, 448), туркм. *gasnak* ‘гардиш’ (Бол. рус. туркм. словарь I, 717), уйғ. *qasqan* ‘гардиш’, ‘шляпанинг соябони’ (Наджиб 1968: 585), ўзб. *qasqan* (Маъруфов 1981: II, 560), ўзб. шев. *qasqan* (Жиззах), *qasqaq* (Хоразм), *qasnoy* (Қашқадарё) ‘гардиш’ (Шоабдурахмонов 1971: 157), Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида *qasnak*, *qasmak* ‘шапканинг соябони’, ‘гардиш’, ‘чиғир кўзачалари турадиган ўрин’ (Ишаев 1977: 128) ва Қашқадарё шевасида *qasawa*, *qasawə* ‘безак тақиладиган картон қоғозли пешанабоғ’ (Жўраев 1969: 140) маъноларида истеъмол қилинади.

Туркий тиллардаги *kasnak* ‘гардиш’, ‘бош кийим гардиши’ тунгус-манжур тилларидан улча тилидаги *qoso(n)* ‘гардиш’, ороқ тилидаги *koso* ‘узук’, ороқ тилидаги *qoso* ‘тош узук’ (Цинциус 1975: I, 417); корейс тилидаги *kas (kat)*, эски корейс тилидаги *kát* ‘шляпа’, ‘лампа қалпоғи’ (Кор. рус. словарь 32); қадимги япон тилидаги *kasa*, эски япон тилидаги *kàsá*, Токио диал. *kása*, Киото диал. *kàsá*,

⁵ <http://www.forumtayfa.com/genel-kultur/80660-yoresel-giysiler.html> 14.04.08

Кагошима диал. *kasá* ‘соёбон’ (Martin 1987: 441) лексемалари билан генетик туркумни ташкил қилади. Уларнинг олтой тилидаги прото-шаклини **kásá* ‘гардиш’ деб қайта тиклаш мумкин.

TÖPÄ/ TÜRİ - авра-астарли, тепа, кизак, жиякдан иборат тўғарак бош кийими. Ўзбек тилида *doppī* ‘авра-астарли, кўпинча қавима, пилта урилган, тепа, кизак, жиякдан иборат гулдор ёки гулсиз тўғарак бош кийими’ (Маъруфов 1981: I, 243), ўзбек тилининг Қашқадарё группа шеваларида *toppi* ‘дўппи’, ‘қалпоқ’ (Жўраев 1969: 152), ўзбек тилининг Самарқанд шевасида *tīpi* ‘қизларнинг юмалоқ чўққили бош кийими’,⁶ уйғур тилининг шеваларида *töpä* ‘қишки бош кийим’ (Наджиб 1968: 339), қирғиз тилида *topu* ‘юпка тикилган енгил бош кийим’ (Абдулдаев 1969: 608) маъносида учрайди. Булардан ташқари турк тилининг шеваларида *tepelik* ‘безакли бош кийим’,⁷ қирғиз тилида *tebetej* ‘четларига тулки, сувсар, қундуз мўйналари қўйиб тикилган бош кийим’ (Абдулдаев 1969: 585), қозоқ тилида *tebetej* ‘турли газламалардан тикиладиган эркакларнинг бош кийими’,⁸ татар тилида *tübätäj* ‘дўппи’ (Тат. рус. словарь 580), бошқирд тилида *tübätäj* ‘дўппи’ (Башк. рус. словарь 556) шакллари ҳам мавжуд.⁹ Мўғул тилида ҳам ‘дўппи’, ‘шлем ёки каска тагидан кийиладиган тўқима бош кийим’ маъносида *tov* (Монг. рус. словарь 401) сўзи истеъмол қилинади.

Юқорида зикр қилинган шакллар қадимги туркий тилдаги *töpi* ‘тепа’ ўзагидан урчиган. Бу ўзакнинг архетипи EDALда (<http://starling.rinet.ru>) **tepö (-ü)* ‘тепа’ деб кўрсатилган ва у мўғул тилидаги **tab*, **tebeg* ‘металл ҳалқага боғлаб қўйилган бир тутам соч (ўйин учун)’, ‘қоқил’; тунгус-манжур тилларидаги **teb-* ‘лахтақ’, ‘шомоннинг белбоғига осилган дум’; корейс тилидаги **tapar* ‘боғлам, боғ’; япон тилидаги **tampua* ‘энсадаги соч турмаги’ билан гомоген шакллар сифатида қайд қилинган. Шу билан бир қаторда

⁶ http://www.sanat.orexca.com/rus/archive/3-4-04/history_art10.shtml 31.03.08

⁷ www.kayserikent.com/site/page.asp?dsy_id=7025 14.04.08

⁸ http://referated.com/item_13781.html 09.04.08

⁹ XIX асрда туркий тиллардаги *tübätäj* > рус тилига ўзлашган ва –ка аффиксини бириктириб *тюбетейка* шаклини олган.

уларнинг умумолтойча прото-шакли **t`əp`á* ‘бир тутам соч, кокил’ кўринишида қайта тикланган.

TUMAQ – кулоқчинли бош кийим. Қадимги туркий тилда *tomaʻa*, чиғатой туркийсида *tumoʻa* ‘ов кушининг бошига кийгизиб кўйиладиган темир қалпоқча’ (Ҳасанов 1993: 282), турк тилининг шеваларида *tomaka* ‘аёлларнинг тўй ва байрамларда бошларига такадиган безаги’ (Асирायамли 1976: 194), тат. *tumaq*, ққал. *tumaq*, ойр. *tubaq* ‘кулоқчинли бош кийим’ (EDAL <http://starling.rinet.ru>), ўзб. шев. *tumāq*, *tumaʻ*, *tumaʻa* ‘кулоқли иссиқ қалпоқ’, ‘кулоқчин’, ‘ўргатилган ов кушининг бошига кийдириладиган тери қалпоқча’, *tumataj* ‘хотинларнинг қишки бош кийими’ (Маъруфов 1981: II, 223, Шоабдурахмонов 1971: 263), уйғ. *tumaq* ‘мўйнали қалпоқ’ (Наджип 1968: 339), *tomuq* ‘ов кушининг бошига кийдириладиган тери қалпоқча’ (Уйғ. рус. словарь 187), қирғ. *tumaq* ‘теридан қилинган юмшоқ, кулоқчинли бош кийим’ (Абдулдаев 1969: 619), қоз. *tīmaq* ‘эркакларнинг қулоқчинли иссиқ бош кийими’ > Сиб. тат. *tīmak* (Валеев 1980: 152) шаклларида мавжуд.

Х. Эрен (1999: 124) турк тилидаги *duvak* ‘келинларнинг ёпинчиғи’ни *tumaq* ‘кулоқчинли бош кийим’ билан қориштириб юборган ва уларни эски туркий тилдаги *tuy* ‘ёпқич, қопқоқ’ ўзагидан келиб чиққанини ёзган. Бироқ *tomaʻa*, *tumaq* ва ҳоказо шаклларнинг *duvak* сўзига алоқаси йўқ. Бинобарин, EDALда (<http://starling.rinet.ru>) туркий тиллардаги *tomaʻa*, *tumaq* ва ш.к. шакллар ёзма мўғул ёдгорликлари тилидаги *tumurliq*, *tumulai* (Lessing 1960: 824), халха тилидаги *tumlaj*, қалмуқ тилидаги *tumrləg*, ордос тилидаги *tumulai* ‘қалпоқ’ (Ramstedt 1935: 410) билан муқояса қилинган ва уларнинг умумолтойча архетипи **t`ıtu* ‘бош’, ‘бошнинг тепа қисми’ деб қайд қилинган.

2. Бошга ўраладиган кийим номлари

JAGLIK – рўмол, дастрўмол. Навоий асарларида *jaʻliq* ‘дастрўмол’, ‘рўмол’ (Ҳасанов 1993: 123) маъносида учрайди. Турк тилида *jaʻlik* ‘катта дастрўмол’ (Türkçe Sözlük II, 1578), тур. шев.

jaylik ‘дастрўмол’ (Газипасам),¹⁰ *jaylik* ‘рўмол’ (Бекдиклер),¹¹ ‘белга боғланадиган шалварнинг устида турадиган рўмол’ (Ван), ‘белбоғнинг икки ёнига тақиладиган рўмол’ (Билежик),¹² ‘терни артиш учун қўлланиладиган рўмол’, *jaalik*, *jalik* ‘шарф’ (Қахрамонмарас),¹³ гаг. *jāliq* ‘дастрўмол’, ‘қўл сочик’ (Гаг. рус. молд. словарь 206), кирғ. *majliq* ‘овқат, кўпинча гўшт егандан кейин қўл артадиган сочик’ (Абдулдаев 1969: 415), уйғ. *jayliq* ‘рўмол’ (Уйғ. рус. словарь 232), бошқ. *jawliq* ‘рўмол’ (Башк. рус. словарь 728), тат. *jawliq* ‘рўмол’ (Будагов 1871: II, 345), крымтат. *jawluk* ‘рангли, гулдор рўмол’,¹⁴ озарб. *jajliG*, туркм. *jayliq*, туркм. шев. *jāliq*, коз. *žawliq*, нўғ. *jawliq*, кар. *jayliq*, ққал. *žawliq*, кум. *jawluc* ‘рўмол’ (Севортян 1989: 61) маъноларида қўлланилади.

Jaylik сўзининг этимологияси масаласида турли фикр-мулоҳазалар мавжуд. В.В.Радлов (1905: III, 19, 53) *jaylik* отини *jay* ‘ёғ’ ўзагидан *-lik* қўшимчаси билан ясалган лексема сифатида тушунтирган. Мазкур кўзкараш Г.Дёрфер (TMN 4, 179), Р.Ахметьянов (1987: 65), Б.Мамедова, В.Асланов, Г.Ворошил ва М.Отаровлар томонидан давом эттирилган.¹⁵ Г.Каранфилнинг фикрича, *jaylik* < *jay*- ‘ёймок, ёзмок’ ўзагидан ва *-lik* қўшичасидан тараққий этган.¹⁶ М.Пасанен (1969: 176) *jaylik* сўзининг архаик шаклини **jablik* (< *jabil* ‘ёпилмок’) деб кўрсатган.

EDALда (<http://starling.rinet.ru>) *jaylik* сўзини *jay* ‘ёғ’ ўзагига боғлаш қийинлиги қайд қилиниб, туркий тиллардаги **jaglik* ‘рўмол’ шакли мўғул тилидаги **nolga* ‘шомон безаги’, тунгус-манжур тилларидаги **lelu(ke)* ‘кўкракпеч, кўкрак фартуги’, ‘совутнинг қўлтиқ оғи’ ва корейс тилидаги **nòrikái* ‘белбокка тақиладиган нарса’ билан қиёсланган ва уларнинг умумолтойча прото-шакли **lélugV* ‘рўмол’, ‘шокила’ кўринишида қайта тикланган.

¹⁰ <http://www.gazipasam.com/sivelerimiz.html> 14.04.08

¹¹ <http://bekdikler.bravehost.com/agiz.htm> 14.04.08

¹² <http://www.forumtayfa.com/genel-kultur/80660-yoresel-giysiler.html> 14.04.08

¹³ <http://www.kahramanmaras.org/forum/archive/index.php?t-10991.html> 14.04.08

¹⁴ <http://www.luiza-m.narod.ru/smi/tarih/31-qrimtat-2-3gl.htm> 29.03.08

¹⁵ <http://www.balkaria.info/library/g/gullu/lexicon04.htm> 29.03.08

¹⁶ Кўрсатилган вебсайт.

Биз қатор далилларга асосланган ҳолда, *jaylik* сўзини *jaγ* ‘ёғ’ ўзагидан келиб чиққан деган кўзкарашни қўллаб-қувватлаймиз. Биринчидан, *jaylik* сўзини Ш. Сомий (1985: 1453) ‘ёғли қўлларни ва лабларни артишга мўлжалланган, дастурхонда ҳамманинг олдида қўйиладиган махсус қўл сочиғи’ маъносида изоҳланган. Иккинчидан, ҳозирда ҳам қатор турк шеваларида *jaylik* ‘ёғ артиладиган қўл сочиқ’ маъносида истеъмол қилинади. Учинчидан, қирғиз тилидаги *majliq* (Абдулдаев 1969: 415), ўзбек шеваларидаги *majliq* (Ишаев 1977:135), қозоқ тилидаги *majliq* ‘ёғли овқат егандан кейин қўлни артадиган сочиқ’, бошқирд шевасидаги *majliq* ‘зиёфатда қўлланиладиган сочиқ’ (Левитская 2003: 15) шаклини ҳам кўз орти қилиб бўлмайдиган (*majliq* < *maj* ‘мой, ёғ’ + *-liq*). Тўртинчидан, туркий тилларда суюқ моддаларни ифодаловчи ўзақ сўзларнинг *-liq* қўшимчаси билан кийим-кечак, дастрўмол ва ш.к. номларини ясаши кенг тарқалган ҳодисадир. Масалан, турк тилида *terlik* (< *ter* ‘тер’ + *-lik*) ‘терни шимдириш учун ичдан кийиладиган майка’, ‘бош кийим’ (Sâmi 1985: 3, 1352), ‘шиппак’ (Karşılaştırmalı Türk Lehçeleri Sözlüğü I, 876); қорахонийлар туркийсида *suvluk* (< *suv* ‘сув’ + *-luk*) ‘дастрўмол’ (Қошғарий 1963: I, 437), чуваш тилида *şul'k* ‘рўмол’ (Федотов 1996: II, 132) сўзлари шулар жумласидандир.

Демак, туркий тиллардаги *jaylik* сўзининг архетипи **jaγ* ‘ёғ’ бўлиб, у дастлаб ‘ёғли қўлларни артишга мўлжалланган қўл сочиғи, дастрўмол’ни англатган. Унинг ‘рўмол’ маъноси тил тараққиётининг кейинги босқичларидаги маъно кенгайиши натижасида юзага келган.

Jaylik сўзининг архетипи **jaγ* ‘ёғ’ деб белгилангандан кейин уни мўғул тилидаги **nolga* ‘шомон беағи’, тунгус-манжур тилларидаги **lelu(ke)* ‘кўкракпеч, кўкрак фартуги’, ‘совутнинг қўлтиқ оғи’ ва корейс тилидаги **nòrikái* ‘белбоққа тақиладиган нарса’ (EDAL <http://starling.rinet.ru>) ўзақлари билан генетик бир деб даъво қилиш тўғри эмас. Туркий тиллардаги **jaγ* ‘ёғ’ни тунгус-манжур тилларидаги *jaGdaqta* ‘айикнинг ёғи’ (Цинциус 1975: I, 337) билан бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

TÜRMA – узун рўмол. Ўзбек тилининг Хоразм группа шеваларида *türmä* ‘ипакдан тўқилган сочиқ шаклидаги рўмол’ (Шоабдурахмонов 1971: 266), Қорақалпоғистондаги ўзбек

шеваларида *türmä* ‘қизларга рўмол, йигитларга белбоғ бўладиган узун, тор сачокли шоҳи рўмол’, ‘юпка шерсть мато (эск.)’ (Ишаев 1977: 162) маъносида келади.

Зикр этилган *türmä* сўзи < *turmak* ‘ўраб ёки тугиб боғланган нарсаси’ < *turmak-la* ‘ўраб ёки тугиб боғламоқ’ (Маъруфов 1981: II, 226) ўзагидан урчиган бўлиб, у корейс тилидаги *turumaki* (< *turu-* < *turi-* ‘ўрамоқ’ + *mak-* ‘беркитмоқ’ + *-i* So Chong-Bom 2000: 199), корейс тилининг Кангвон шевасида *turumä*, Кёнгсанг шевасида *turumäi* ‘корейсларнинг миллий устки кийими’ (Phyojungugodesajon I, 1688) билан гомогендир. Мазкур шаклларнинг умумолтойча архетипини **tūri* ‘ўрамоқ’ деб кўрсатиш мумкин. Чунончи, EDALда (<http://starling.rinet.ru>) қадимги туркий тилдаги *tür-*, қорах. *tür-*, чиг. *tür-*, тур. *dür-*, тат. *tör-*, ўзб. *turmak-la-*, уйғ. *tü(r)-*, туркм. *düjr-*, хак. *tür-*, ойр. *tür-*, ёқ. *tür-*, тув. *dür-*, тоф. *dür-*, қирғ. *tür-*, қоз. *tür-*, нўғ. *tür-*, бошқ. *tör-*, гаг. *dür-*, ққал. *tür-*, сал. *tür-* ‘ўрамоқ, шимармоқ, қайтармоқ’ (Räsänen 1969: 506, Clauson 1972: 530-531, Севортян 1980: 319-320); ёзма мўғул ёдгорликлари тилидаги *dörsüji-*, халх. *dörsij-*, қалм. *dörsē-* ‘қайишмоқ, жунжикмоқ, буришмоқ’ (Қалм. рус. словарь 212) ва қадимги япон тилидаги *tutum-*, эски япон тилидаги *tütum-*, Токио диал. *tsutsüm-*, Киото диал. *tsütsüm-*, Кагошима диал. *tsütsüm-* ‘бурилмоқ, букилмоқ’ (Martin 1987: 776) ўзақлари бирлаштирилиб, уларнинг прото-шакли **tūri* ‘ўрамоқ’ деб қайта тикланган. Бу гуруҳга корейс тилидаги *turi-* ‘ўрамоқ’, ‘чулғаммоқ’, ‘бурканмоқ’ (Кор. рус. словарь 129) ўзагини ҳам илова қилиш мумкин.

3. Бош кийими устидан ўраладиган мато номлари

ČALMA – бош кийимининг устидан ўраладиган мато. Қорахонийлар туркийсида *čalma* ‘тезак, таппи’ (Древнетюркский словарь 137), чигатой туркийсида *čalma* ‘бош кийимининг устидан ўраладиган мато’, ‘фартук’ (Clauson 1972: 420), турк тилида *čalma* ‘бош кийимининг устидан ўраладиган батист, шол ва ш.к. мато’ (Sâmi 1985: 190), тур. шев. *čalma*, *calma* ‘аёлларнинг пешаналарига боғлайдиган рўмол’ (Asırayamlı 1976: 28), ўзб. *čalma* ‘бош кийимининг устидан ўраладиган мато’, ‘дўппи, тўн ва ш. к.нинг

четига тутиладиган энсиз жияк' (Маъруфов 1981: II, 351), тат. *čalma* 'бош кийимининг устидан ўраладиган мато' (Тат. рус. словарь 629), гаг. *čalma* 'бош кийимининг устидан ўраладиган мато' (Гаг. рус. молд. словарь 526), кирғ. *čalma* 'сиртмоқли аркон' (Абдулдаев 1969: 679), бошқ. *salma* 'бош кийимининг устидан ўраладиган мато' (Башк. рус. словарь 460), озарб. *čalma*, туркм. *čalma*, нўғ. *šalma*, болқ. *čalma*, кар. *calma*, кум. *čalma*, крымтат. *čalma* 'бош кийимининг устидан ўраладиган мато', ойр. *čalma*, тув. *šalba* 'сиртмоқли аркон' (Clauson 1972: 420, Räsänen 1969: 97, Лексика 395) маъноларида келади.

Зикр этилган *čalma* оти < *čal*- 'ўраб боғламоқ' феълига *-ma* қўшимчасининг бирикишидан юзага келган. Қиёсланг: ўзб. *čal*- (Маъруфов 1981: II, 352), гаг. *čal*- (Гаг. рус. молд. словарь 526-527), бошқ. *salı*- (Башк. рус. словарь 460), кар. *cal*-, коз. *šal*-, ққал. *šal*- 'ўраб боғламоқ', 'ўрамоқ' (<http://starling.rinet.ru>).

EDALда (<http://starling.rinet.ru>) *čalma* лексемасининг архетипи **č(i)al*-, **č(i)alma* деб кўрсатилган. Шунингдек, мазкур манбада туркий тиллардаги **č(i)al*-, **č(i)alma* ўзаклари олтой тилларидаги тубандаги муштарак шакллар билан қиёсланган: ёзма мўғул ёдгорликлари тилида *čilbuγur*, *čulbuγur*, эски мўғ. *čilbur*, *čolbor*, *čəlbūr*, халх. *culbūr*, қалм. *culwūr*, орд. *čulbūr*, даг. *šolbur*, шар.йог. *čəlbūr* 'юган'; эвенки тилида *čulupkī*- 'боғламоқ, тушовламоқ (итни)', *čulupkīwun* 'итнинг бўйинбоғи', эвен тилида *čölipkin*- 'боғламоқ, тушовламоқ (итни)', *čölipkin* 'итнинг бўйинбоғи'. Қайд қилинган сўз бирликларининг олтой давридаги шакли **č`iöl[m]i* (*-e*, *\*č`iäl[m]o*) 'тушовламоқ', 'боғлаб қўймоқ' шаклида реконструкция қилинган.

Мухтасар қилиб айтганда, олтой тиллари маиший лексикасини қиёсий тадқиқ этиш, уларнинг келиб чиқишини аниқлаш ҳамда бобо тил шакллари қайта тиклаш тил тараққиётининг турли даврларида кечган характерли лисоний жараёнлар, ўзгаришлар ва йўқотишларни очиб бериш билан бирга, олтой халқлари маиший ҳаётининг муштарак томонларини ҳам ёритишга хизмат қилади.

Адабиёт

- Абдулдаев Э., Исаев Д. Кыргыз тилинин түшүндүрмө сөздүгү. - Фрунзе, «Мектеп» басмасы, 1969.
- Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. -Т.: Фан, 1981.
- Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. II. -СПб.: Типография Императской Академии наук, 1871.
- Дадахонова Т. Ўзбек тилида чеварчилик лексикаси. -Т.: Фан, 1963.
- Жўраев Б. Юкори Қашқадарё ўзбек ўзбек шевалари. -Т.: Фан, 1969.
- Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. -Т.: Фан, 1977.
- Левитская Л.С., Дыбо А.В., Рассадин В.И. Этимологический словарь тюркских языков: Общeturкские и междeturкские основы на буквы "К", "Қ". -М.: Языки Русской Культуры, 1997.
- Левитская Л.С., Благова Г.Ф., Дыбо А.В. и др. Этимологический словарь тюркских языков: Общeturкские и междeturкские основы на буквы "Л", "М", "Н", "П", "С". - М.: Восточная литература РАН, 2003.
- Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. III. - СПб., 1905.
- Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. -Т.: Университет, 2000.
- Севортян Э.В., Левитская Л.С. Этимологический словарь тюркских языков : Общeturкские и междeturкские основы на буквы “Ж”, “Ж”, “Й”. -М.: Наука, 1989.
- Федотов М.Р. Этимологический словарь чувашского языка. II. - Чебоксары, Чуваш. Гос. инст. гум. наук, 1996.
- Цинциус В. И. (ред.) Сравнительный словарь тунгусо-маньчжурских языков. I. -Л.: Наука, 1975.
- Шоабдурахмонов Ш. (ред.) Ўзбек халқ шевалари луғати. -Т.: Фан, 1971.
- Қошғарий М. Девону луғотит турк. I. -Т.: ЎзФА, 1963.
- Ҳасанов Б. Навоий асарлари учун қискача луғат. -Т.: Фан, 1993.

- Clauson G. An Etymological Dictionary of Pre-Thirteenth-Century Turkish. -London: Oxford Press, 1972.
- Eren H. Türk Dilinin Etimolojik Sözlüğü. -Ankara: Bizim Büro, 1999.
- Lessing F.D. Mongolian-English dictionary. -Berkeley-Los Angeles, 1960.
- Phyojungugodesajon I, II, III. -Seoul: Tusantonga, 1999.
- Ramstedt G. J. Kalmückisches Wörterbuch. -Helsinki: Suomalais-ugrilainen Seura, 1935.
- Räsänen M. Versuch eines etymologisches Wörterbuchs der Türksprachen . -Helsinki: Suomalais - ugrilainen Seura, 1969.
- Sâmi S. Kâmûs-i Türkî. 1-2, 3. -Istanbul: Tercüman Gazetesi Tesisleri, 1985.